

Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти  
**МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ**  
**«ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ**  
Юридик манзили: 180100 Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шибаев кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел. (+99893) 935-07-65, 422-41-58.  
Аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 й.даги № 00774 рақамли лицензияга эга.  
Zaminoil-audit@mail.ru Банк: Уз.СҚБ Қарши ш. МФО 00894 Х/Р 20208000904162711001 СТИР 203869896 ОКЭД 69202

Ижобий фикр билдирилган  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Хулоса санаси: 26.02.2020 йил

«QASHQADARYODONMAXSULOTLARI»  
АЖ раҳбариятига

Манзил: «QASHQADARYODONMAXSULOTLARI» АЖ Қарши шаҳри, И. Муминов кўчаси 68- уй.  
ОАТБ «Агробанк» Қашқадарё минтақавий филиали. х/р 2021000000206192001 МФО 00151. ИНН 200670475  
ОКЭД 10610

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 100180. Қарши шаҳри Шибаев кўчаси 1- уй 15-хонадон УзСҚБ Қашқадарё минтақавий филиали Қарши шаҳри. х/р 20208 000 904162711 001, МФО 00854, ИНН 203869896, ОКЭД 69202, тел (99893) 935—07-65 email: Zaminoil-audit@mail.ru Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00774-сонли лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 05.09.2013 йилда № 64 –реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) бош аудитори Зулфиқоров Х. Н. томонидан (Аудитор малака сертификати № 05543 17.12.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) хўжалик юритувчи субъект «QASHQADARYODONMAXSULOTLARI» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг «Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот Ф-4, Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот Ф-5 шаклларида иборат 2019 йил 01 январидан- 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «QASHQADARYODONMAXSULOTLARI» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.


Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган «QASHQADARYODONMAXSULOTLARI» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний ақс эттиради.

МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик  
ташкилоти директори, аудитор:



Х. Н. Зулфиқоров